6 (440)
2005 йил 9 февраль
Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2
▶ Маҳаллалар ҳаёти хайрли тадбирларга бой бўлади!

3
▶ Меҳру вафо — қалб малҳами!
▶ Божаларнинг бемаъни баҳси...

4
▶ Қиш завқи Навоий талқинида
▶ Кийик тиши "келтирган" ташвиш...

Навоий ижоди гулшанидан

Буюк мутафаккир, тарихимизнинг сўнмас юлдузи Алишер НАВОИЙ таваллуд топганига 564 йил тўлди

Мен жаҳондин кечтиму кечмас менинг жонимдин эл,
Мен илик жондин юдум, чекмас илик қонимдин эл.

Тўш-тўшимдин баски расволиғ ўти лов-лов ёнар,
Ҳар тараф йўлдин чиқорлар ўтсалар ёнимдин эл.

Бахтим уйқусиға гўёким сурудедур ҳазин,
Кўйида буким уюмас ҳар тун афғонимдин эл.

Тонимаслар бир-бирин ёғқон мазаллат гардидин,
Сўрғали ҳолим кириб чиққунча вайронимдин эл.

Менда тумори жунундек печ, ваҳким, бехабар,
Ҳар тараф кўнглумда конлиғ доғи пинҳонимдин эл.

Истарам, эй Хизр, келгаймен қилиб жон бирла тавф,
Каъбаи кўйин хабар топқунча борғонимдин эл.

Эй Навоий, қилмағайлар айб агар девонамен,
Ул пари васфин ўқуғон сойи девонимдин эл.

* * *

Бузуғ кўнгулга фано бўлса ком чексун ранж,
Ки ранж чекмаса ҳаргиз муяссар ўлмас ганж.

Агар кишига чекиб ранж, ганж бўлди насиб,
Деса бу ганжни асрай, йўқ андин ортуқ ранж.

Кишики нақдини вазн айлабон қилур мадфун,
Бу ғусса санждур, олғон киши фароғат санж.

Йилон кеби не ажаб ганж асраған кишининг,
Ҳамиша комида гар заҳр эрур, танида шиканж.

Замона жоҳи учун ҳар ғулулаи ташвиш,
Ки келса кўнглунг уйини анга қилурсен ханж.

Десангки, фард ўлай элдин кўнгулни холи тут,
Ки тоқ дерлар агар ханж сори отсанг ланж.

Боши қуйидурур озода савсан оллинда,
Чу наргис ўлди чаман махзанида нақдул-фанж.

Тариқ кеби суюлур талх комлиқ бирла,
Тариғ тариғки йиғиштурди олтинун норанж.

Итур кўнгул ҳарамидин хавотир асномин,
Навоий, ўлса мақоминг Мадина, гар Афранж.

* * *

Ағёр ила жуфт берма фардим бор,
Ким фурқати заъфида рухи зардим бор.
Гар дардидин оҳи ғусса парвардим бор,
Манъ айлама, эй рафиқким, дардим бор.

* * *

Элдин қочиб улки, тутса тоғ ичра қарор,
Совуғда ери бу тоғнинг жавфида ғор.
Иссиғда макони андаким ётмиш қор,
Олам элининг шаҳлиғидин бор анга ор.

* * *

Андин бериким, қошимда ёрим йўқтур,
Ҳижронида жуз нолаи зорим йўқтур.
Дашт узра қуюн киби қарорим йўқтур.
Саргашталигимда ихтиёрим йўқтур.

Алишер НАВОИЙнинг "Ҳазойинул маоний" асаридан.

Фармон ва ижро

ЙИҚИЛГАННИ СУЯБ, АДАШГАННИ АЯБ

Халқимиз — кечиримли. Азалдан отабоболаримиз йиқилганни суяб, адашганга тўғри йўл кўрсатиб келган. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан буён ҳар йили давлатимиз раҳбари ана шу инсоний қадриятларга амал қилиб, бағрикенглик тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолган юртдошларимизнинг гуноҳларини авф этади.

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн икки йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги навбатдаги Фармони озодликдан маҳрум этилган минглаб кишиларни оиласи бағрига қайтарди. Улар орасида янгийўллик Фарид Айдаров ва олмалиқлик Ҳакимжон Султонов ҳам бор.

Хом сут эмган банда экан-да, тезроқ бойийман, белимни оғритмай мўмайгина пул топаман деб калта ўйлаган Ф.Айдаров жиноятга қўл урди. Жиноят жазосиз қолмайди. Умрининг икки йилини қамоқда ўтказган йигит Юртбошимизнинг мурувватти билан уйига қайтди.

— Олмалиқ кон-металлургия комбинатида ишлардим, — дейди Ҳ.Султонов. — Давлат раҳбарининг мендек адашганларга кўрсатган бағрикенглиги ва инсонпарварлиги боис яна одамларга қўшилдим, эски иш жойимга қайтдим. Гуноҳларимни ҳалол меҳнатим билан юваман.

Тошкент вилояти ички ишлар ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаларидан олинган маълумотларга қараганда, жазони ўташ муассасаларидан озод этилган кишиларга ижтимоий кўникма маркази томонидан бир марталик моддий ёрдам пули берилмоқда. Шу пайтга қадар уларнинг юздан зиёди иш билан таъминланди.

Ҳ.САЛИМОВ,
ЎзА мухбири

ПРЕЗИДЕНТ МАЪРУЗАСИ КИТОБ ҲОЛИДА ЧОП ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи Президент Ислом Каримовнинг «Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» китобини нашрдан чиқарди.



Ушбу китобдан давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи мажлисида сўзлаган нутқи ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси ўрин олган.

Юртбошимиз, аввало, парламент сайловларининг аҳамияти ҳақида батафсил тўхталиб, Конституциямиз, республикамизнинг сайлов қонунчилиги талаблари ҳамда халқаро меъёр ва қоидаларга тўлиқ амал қилган ҳолда, очиқлик ва демократик руҳда ўтган сайловлар мамлакатимиз демократик қурилиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан дадил қадамлар билан илгари бораётганининг яна бир ёрқин далили бўлганлигини таъкидлайди.

Президентимиз парламент фаолиятига доир масалаларни бирма-бир таҳлил этар экан, шундай деб алоҳида қайд этади: «Парламент — бу жамият ҳаётини ойнадек яққол акс эттирадиган кўзгу. Бинобарин, жамиятда қандай интилиш, фикр ва қарашлар мавжуд бўлса, улар парламентдаги муҳокама ва мунозараларда ўз ифодасини топиши керак. Ана шунда парламент халқнинг хоҳиш-иродаси, эзгу мақсадларини мужассам эта олади. Шундан кейин одамлар бундай қонунчилик ҳокимиятига ишонади».

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг Қўшма мажлисидаги маърузаси ҳаётимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш борасидаги устувор вазифа ва йўналишлар аниқ-равшан кўрсатиб берилгани билан айниқса, қимматлидир. Китобда уқтирилганидек, «Мустақилликни мустаҳкамлаш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш биз учун ҳамиша биринчи даражали устувор мақсад ва вазифа бўлиб қолаверади».

Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш борасидаги энг муҳим устувор вазифалар эса аввалгидек — бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштиришдан иборатдир.

Президент Ислом Каримов мамлакатимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш мақсадида олдимизга қўйган энг муҳим йўналиш ва устувор вазифалар юртимизнинг ҳар бир фуқаросидан фидойилик кўрсатиб меҳнат қилишни, ҳамжиҳат ва самарали фаолият юритишни талаб этади.

Китоб ўзбек ва рус тилларида кўп минг нусхада чоп этилган.

ЙИЛ ЯКУНИДА: САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР

Пленумда улар ўз баҳосини олди

Куни кеча Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқарувининг мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида қўйилган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг 2004 йилдаги фаолияти якунларига оид масалалар муҳокамасига бағишланган навбатдаги пленуми бўлиб ўтди.

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Пленумни Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви раиси А.Гадойбоев очиб, 2004 йил — «Меҳр ва мурувват йили» дастурининг изчил бажарилишида жамғарма ҳам ўзининг муносиб улушини қўшганини таъкидлади.

Жумладан, Наврўз ҳамда Мустақиллик байрамлари арафасида уюшқоқлик билан ўтказилган ободонлаштириш ойликлари ҳамда умумхалқ хайрия ҳашарларидан тушган маблағлар маҳаллаларни ободонлаштириш, инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларига ёрдам кўрсатиш, спортни оммалаштириш каби эзгу мақсадларга сарфланди.

Маҳаллаларда осойишталикни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, огоҳликка даъват этиш борасида ички ишлар хизматчилари билан ҳамкорликда кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган кўрик-танловлар илғор тажрибани оммалаштиришда айниқса самарали бўлди.

"Маҳалла" жамғармаси йил давомида республикамизда оммавий спорт турларини ривожлантириш учун маҳаллаларда етарли шарт-шароит яратиш борасида асосий ташкилотчи сифатида фаолият кўрсатди.

Пленумда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросига оид масалалар кўрилди.

Мухбиримизнинг Пленум ишига доир ҳисобот-мақоласи билан газетанинг 2-саҳифасида танишишингиз мумкин.

2-саҳифада

ДОВОН ҚОР КЎЧКИСИДАН ТОЗАЛАНМОҚДА

Фарғона водийси вилоятларини пойтахтимиз билан боғловчи Қамчиқ довонида қор кўчкилари хавфи туфайли ҳаракат тўхтатиб қўйилганига бир ҳафтадан ошди. Довонда ҳозир вазият қандай?

ЎзА мухбири Наманган вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, полковник Баҳромжон РАҲМОНОВ билан шу ҳақда суҳбатлашди.

— Барчамиз оммавий ахборот воситалари дунёнинг турли жойларида юз бераётган табиий офатлар ҳақида тарқатаётган хабарларни ўқиб, эшитиб турибмиз. Айтайлик, Индонезия, Шри-Ланка, Таиланд каби 12 мамлакатга офат келтирган довул, Камчаткадаги қор бўронлари, ҳатто Шимолий Африка мамлакатларида қор ёққани ҳақидаги хабарларни ўқияпмиз, тинглаяпмиз ва телевизорда муттасил кўриб боряпмиз.

Юртимиз кескин континентал иқлим зонасида жойлашгани туфайли ўзгарувчан, беқарор об-ҳаво биз учун ҳам янгилик эмас. Февраль ойи бошидан буён мамлакатимизнинг тоғли ҳудудларига қор ёғиши кучайди. Қамчиқ довонининг айрим жойларига ёққан қорнинг қалинлиги 60 сантиметрдан икки метргача етди. 1 февраль куни эрталаб соат 11:00 да қор кўчиши хавфи мавжудлиги боис довонда транспорт ҳаракати тўхтатиб қўйилганидан хабарингиз бор.

Ўтган вақт ичида тоғли ҳудудларда ўттиздан ортиқ қор кўчкиси содир бўлди. Тошкент—Ўш йўлининг ўзида йигирмадан ортиқ жойда турли ҳажмда қор кўчган ва сурилган. Ҳозир шу кўчкиларни тозалаш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

2 февраль куни 159-километрда жойлашган қурувчилар вагончасига қор кўчкиси тушиши оқибатида тўрт киши, шунингдек, кўчки хавфини тадқиқ этаётган метеостанция ходими ҳалок бўлган. Бу ҳақда оммавий ахборот воситалари хабарларида батафсил айтилди. Ёрдамга муҳтожлар учун Наманган вилоятидаги Поп марказий шифохонасида 100 ўринга мўлжалланган ёрдам пункти ташкил этилди. Вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси ва бошқа мутасадди ташкилотлар томонидан бир неча ўнлаб кишилар хавфсиз жойларга кўчирилди. Уларга тез тиббий ёрдам кўрсатилди.

— Ҳозир довонда қандай ишлар олиб бориляпти?

— Довонда ишлаётганларнинг барчаси — қурувчими, алоқачими, ҳарбийми ёки тиббиёт ходимими — қайси касб эгаси бўлишидан қатъи назар, ўз ишини сидқидилдан адо этмоқда. Бугунги кунда Наманган вилояти тарафидан довон йўлининг 191-километридан 164-километригача бўлган масофадаги қор кўчкилари бартараф этилди. Йўл қордан тозаланди, техника ишлаши учун шароит яратилди.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги вакиллари довоннинг Тошкент йўналишини кўчкидан тозаламоқдалар. Мақсад — йўлни икки томондан тозалаб бориш ва ҳаракат учун очишдир. Йўлни қордан тозалаш билан кифояланиб қолмаяпмиз. Барча коммуникация ва алоқа тизимлари, электр тармоқлари қайта тикланди. Бунинг учун махсус тайёргарликдан ўтган мутахассислар жалб этилган.

— Аҳоли довон очилишини сабрсизлик билан кутмоқда...

— Довондаги икки туннел орасидаги масофада бир неча қор кўчкилари мавжуд. Улар турли ҳажмда.

Шу маънода йўлни қордан тозалаш ишларини ишчиларимиз ва техниканинг тўла хавфсизлигини таъминлаган ҳолда олиб боришимиз зарур. Дастлабки мўлжалларга кўра, довон яқин кунларда очилиши режалаштирилмоқда... Ўйлаймизки, тез кунларда довон узра ҳаракат йўлга қўйилади.

Илҳом РАЗЗОҚОВ суҳбатлашди.

Mahalla

— Яна нима дейди?
— Навоийни мутоалаа қилинг, — дейди.

Қашқадарё вилояти

ИККИ АВЛОД УЧРАШУВИ

Яқинда Касби тумани марказидаги Маданият саройида Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими ташаббуси билан "Икки авлод учрашуви" тадбири ўтказилди.

Унга туманда яшовчи уруш ва меҳнат фахрийлари, бир гуруҳ нуронийлар, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари ва ўқувчи ёшлар таклиф этилди.

Тадбирда айниқса, кун тартибдаги "Ёшлар тарбиясида кексаларнинг ўрни" мавзусидаги бош масала қизғин баҳс-мунозара, савол-жавобларга бой бўлди. Айтиш жоизки, халқимизнинг энг яхши анъаналари, урф-одат ва маросимларини асраб-авайлаб, ёш авлодни ана шундай эзгу туйғу-тушунчалар, асрлар оша ҳалқ тажрибасида синалган миллий анъаналаримиз асосида тарбиялаш бугунги кундаги асосий ва муҳим вазифаларимиздан биридир. Шу маънода "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими томонидан ўтказилаётган бундай тадбирларнинг амалий аҳамияти катта.

МУХБИРИМИЗ

Тошкент вилояти

Обуна — 2005

ЯНГИЙЎЛДА ЯНГИ НАТИЖА

Юртимизда "Mahalla" газетасига обуна жараёни давом этмоқда. Бу борада айниқса, Тошкент вилояти Янгийўл тумани маҳаллалари пешқадамлар сафида бормоқда.

Айни пайтда "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси раиси А.Жўраевнинг ташаббуси билан тумандаги маҳаллалар 144 нусха "Mahalla" газетасига обуна бўлдилар. Эллик олтита маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолият кўрсатаётган туманнинг бу кўрсаткичи ўтган йилга нисбатан икки баробарга кўп. Шу муносабат билан Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими жамғарманинг туман бўлинмаси фаолиятини юқори баҳолади ҳамда газета обунасини ташкил этишдаги фаоллиги учун бўлинма қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

М.ҚОРАБОЕВА

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

«М.Р» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

АЗИЗ МУШТАРИЙ! ГАЗЕТАМИЗГА АЙНИ КУНДА ҲАМ ЙИЛНИНГ ҚОЛГАН ҚИСМИ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА. 2005 ЙИЛДА "Mahalla"СИЗ ҚОЛМАНГ!

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ИСРОИЛ-ФАЛАСТИН: МУАММО БАРҲАМ ТОПМОҚДА

Мисрнинг Шарм-аш-Шайх шаҳрида Исроил-Фаластин муаммоларини тинч йўл билан ҳал этишга бағишланган минтақавий саммит ўтказилди. Унда Исроил бош вазири Ариэл Шарон, Фаластин мухторияти етакчиси Маҳмуд Аббос, Миср президенти Муҳаммад Ҳусни Муборак ҳамда Иордания подшоҳи Абдулла Иккинчи иштирок этди.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси хабарларига қараганда, музокаралар якунида Исроил ва Фаластин раҳбарлари минтақада тинчликни таъминлаш ва ўзаро ўт очишни тўхтатиш борасида келишувга эришган.

Маҳмуд Аббос журналистларга интервью берар экан, ўзаро келишмовчиликларга барҳам бериш вақти келганини таъкидлади. Бунинг учун Фаластин томони ўз мажбуриятларини бажаришга тайёр.

Ариэл Шарон эса Иордан дарёсининг ғарбий соҳилида Исроил армияси томонидан амалга оширилаётган барча ҳарбий операцияларга чек қўйилишини билдирди. Унинг таъкидлашича, 2005 йил охирига қадар мустақил Фаластин давлати барпо этилади.

Исроил ҳукумати ўтган ҳафта ўз ҳарбийларини Иордан дарёсининг ғарбий соҳилидан олиб чиқиш ҳамда мамлакат қамоқхоналарида сақланаётган 900 нафар фаластинлик маҳбусни озод этишни маълум қилганди. Энди бошқа маҳбусларнинг озод этилиши юзасидан ҳам махсус комиссия иш олиб боради.

Шарм-аш-Шайх анжумани кузатувчилар томонидан ижобий баҳоланмоқда. Масалан, учрашувнинг асосий воситачиси бўлмиш Миср президентининг фикрича, томонлар тинчликка эришиш, ўзаро ишончни мустаҳкамлаш учун илк дадил қадам ташлади.

Таъкидлаш керакки, Исроил ва Фаластин раҳбарлари 2000 йилда бошланиб кетган қуролли тўқнашувлардан буён илк бор бундай учрашувни ўтказмоқда. Шу боис жаҳон ҳамжамияти Шарм-аш-Шайх анжумани натижаларига катта умид билдирмоқда.

Фазлиддин АРЗИЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви пленумида

ЙИЛ ЯКУНИДА: САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР

Пленумда улар ўз баҳосини олди

Барчамизга маълумки, ўтган Меҳр ва мурувват йили юртимиз тарихида унутилмас йил бўлди. Зеро, меҳр-оқибат, саховат, мурувват каби туйғу-тушунчалар азалдан халқимиз қон-қонига сингиб кетган. Бугун ҳам юртимиз аҳлининг эзгу амалларга, хайрли ишларга бўлган иштиёқи ошса ошмоқдаки, асло камайгани йўқ. Буни ўтган йилда амалга оширилган қатор ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Энг асосийси, мана шу тадбир ва ташаббусларга бошчилик қилишда, халқни эзгу ишларга жалб қилишда, уларнинг бошини қовуштиришда қатор давлат органлари, нодавлат ташкилотлар билан бир қаторда "Маҳалла" жамғармаси ҳам сезиларли даражада ҳисса қўшмоқда.

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Айтиш жоизки, ўтган давр мобайнида жамғарма ўзининг барча бўлим ва бўлинмалари фаолиятини "Меҳр ва мурувват йили" дастури ижросини таъминлаш, дастурда белгиланган қатор муҳим вазифаларни амалга оширишга қаратди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва такомиллаштириш, давлатимиз томонидан йўлга қўйилган кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатини ҳаётга жорий этиш, бозор иқтисодиётида фуқаролар йиғининг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ишлардаги самарали иштирокини таъминлаш, ёш авлоднинг жисмонан соғлом бўлиб вояга етиши учун зарур шароит яратиш, уларнинг мунтазам спорт билан шуғулланишларини таъминлаш ва бошқа вазифаларни амалга ошириш масалалари жамғарма бошқарувининг диққат марказида бўлди.

Шу билан бирга ўтган йиллар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда бир қатор давлат, нодавлат ва халқаро ташкилотлар билан биргаликда тузилган ўзаро ҳамкорлик шартномалари асосида маҳалла фуқаролар йиғинларининг инфратузилмасини ривожлантириш, ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида туркум тадбирлар ва семинар-тренинглар уюштириб келинди.

Шунингдек, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар ўтказишда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳамда "Маҳалла" жамғармаси фаол иштирок этиб, сайловларнинг ташкилий жараёнларини амалга оширишда катта ҳисса қўшди.

"Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви қошида сайловчилар ташаббускор гуруҳлари томонидан кўрсатилган мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш Маркази фаолият кўрсатиб келди. Сайлов натижаларига кўра ташаббускор гуруҳлар томонидан Қонунчилик палатасига кўрсатилган 54 та номзоддан 12 нафари депутат бўлиб сайланди.

Маърузачи ва сўзга чиққанлар шу ва Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармасининг "Меҳр ва мурувват йили" дастури ижроси, маҳаллалар фаолиятини мувофиқлаштириш ва йўналтириш, аҳолининг кам таъминланган, моддий ёрдамга муҳтож қисмини ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари, маҳаллаларда маданий, маънавий-маърифий тарғибот ишлари, ёшлар ўртасида маънавий-ахлоқий ва ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини амалга ошириш ишлари, маҳалла хотин-қизлари ва ёшлари билан олиб борилган фаолият натижалари, маҳаллаларда спортни ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар тажрибаси, "Маҳалла" жамғармаси тизими ва фуқаролар йиғинларида кадрлар масаласи, жамғарманинг молиявий-хўжалик фаолияти, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ишлари борасида олиб борган ва режалаштирган вазифалари хусусида батафсил тўхталдилар.

Дастур асосида Наврўз ва Мустақиллик байрами муносабати билан ободонлаштириш ойликлари ҳамда умумхалқ хайрия ҳашарлари ўтказилди. Бунинг натижасида жамғарма ҳисоб рақамига жами 4100,2 млн.сўм миқдорида пул маблағлари тушди ва тегишла тартибда маҳаллаларни ободонлаштириш, уларнинг инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолининг ёрдамига муҳтож қатламларига кўмак бериш, маҳаллаларда оммавий спорт турларини тараққий эттириш каби хайрли ишларга сарфланди.

Маҳаллалар фаолиятини мувофиқлаштириш борасида, мафкурани миллий ва маънавий қадриятлар, урф-одат ва анъаналар билан бойитиш, маҳалла институти ишини янада такомиллаштириш, аҳолининг барча соҳалардаги билим ва маданиятини юксалтириш, тадбиркорликни ривожлантиришдаги ташкилотчилик ва амалий ишлари билан намуна бўлган фуқароларни қўллаб-қувватлаш, маҳаллада тадбиркорлик ҳамда кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, юртдошларимизни ўзаро меҳр-мурувватли қилиб тарбиялаш мақсадида бир қатор анъанавий кўрик-танловлар ташкил этилди. Хусусан, "Ибратли маҳалла оқсоқоли", "Энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли" ва "Маҳалла жонкуяри" каби номинацияларни ўз ичига олган туркум кўрик-танловларнинг Республика босқичи ғолиблари Мустақиллик байрами арафасида аниқланди ҳамда жамғарма республика бошқарувининг Фахрий ёрлиқлари, қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди. Шунингдек, аҳоли ўртасида диний мутаассиб оқимлар таъсирига тушиб қолган фуқароларни соғлом турмуш тарзига қайтариш ва улар билан профлактик ишларни олиб бориш, фуқароларнинг конституцион ҳуқуқларини тушунтириш, Конституциянинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш ва аҳоли ўртасида ҳуқуқий билимдонликни оширишга қаратилган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини тарғиб қилишда энг фаол қатнашган маҳалла оқсоқоли" кўрик-танловининг қатор давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўтказилгани ҳам алоҳида эътиборга моликдир. Энг намунали милиция таянч пунктлари ўртасида ўтказилган конкурс-кўргазма юзасидан 2004 йил якуни бўйича аниқланган ғолиблар учун жамғарма томонидан 1475 минг сўмлик қимматбаҳо совғалар ажратилди.

2004 йилнинг Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилинганлиги ҳамда йил дастуридаги аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш каби бир қатор йўналишлар бу борада амалга оширилган ишлар кўламининг янада такомиллашувига асосий омил бўлди. Давлат томонидан кам таъминланган, кўп болали ва 2 ёшгача болалари бўлган аёлларга 2004 йил 1 ноябрь ҳолатига кўра жами 145901,4 млн. сўм миқдорида нафақа пуллари тўланди. Маҳаллалардаги кам таъминланган ва ижтимоий ёрдамига муҳтож фуқаролар ҳамда муассасаларни моддий ва молиявий қўллаб-қувватлаш учун жами 1245,5 млн.сўмлик хайрия ёрдамлари кўрсатилди. Хусусан, 58 минг 500 нафардан зиёд кам таъминланган фуқаролар, кексалар ва ногиронлар республикамиздаги буюк аждодларимиз номи билан аталувчи муқаддас қадамжоларга бепул зиёратларга олиб борилди. Наврўз ҳамда Мустақиллик байрамилари доирасида ўтказилган хайрия ҳашарлари давомида маҳаллалардаги 23 минг 80 нафар ёлғиз кексалар, ногиронлар, боқувчисини йўқотганлар ва моддий ёрдамга муҳтож оилаларнинг турар-жойлари қисман ва тўлиқ таъмирлаб берилди. Байрам саналаридаги аҳолининг эҳтиёжманд қатламига мурувват ёрдами кўрсатиш мақсадида ташкиллаштирилган турли хайрия тадбирлари давомида умумий ҳисобда 2 млрд. 228 млн. 544 минг сўмлик маблағ сарфланди.



Мазкур тадбирларнинг амалга оширилишида ҳамда ҳомий ташкилотларни жалб этишда жамғарманинг республика бошқаруви, Самарқанд, Навоий, Наманган, Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳар бўлимлари алоҳида жонбозлик кўрсатгани таъкидланди.

Республикамизнинг барча маҳаллаларида огоҳликни таъминлаш мақсадида барча маҳалла оқсоқоллари, маслаҳатчилари, чегара ва маҳалла посбонлари ҳамда маҳалладаги ҳар бир кўчага жамоатчилик асосида тайинланган кўча бошлиқлари, кўп қаватли уйлардаги уй бошлиқлари ва маҳалла профилактика инспекторлари билан ҳамжиҳатлик асосида навбатчиликлар ташкил этилди. Шунингдек, маҳаллаларда ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олишда ички ишлар идоралари билан ҳамкорликда катта ҳажмдаги тадбирлар амалга оширилди. Бугунги кунда 7490 та "Маҳалла посбони" жамоат тузилмасидаги 47 минг 670 нафар маҳалла посбонлари ички ишлар идораларига яқиндан ёрдам кўрсатмоқдалар. Посбонлар томондан олиб борилган аниқ, мақсадли ҳаракатлар натижасида республикамиздаги 1594 та маҳаллада умуман жиноят содир этилмади.

"Маҳалла" жамғармаси йил давомида республикамизда оммавий спорт турларини ривожлантириш, аҳолининг мунтазам равишда спорт билан шуғулланишини таъминлаш ва бу борада маҳаллаларда етарли шарт-шароит яратиш борасидаги ҳукумат сиёсатини доимий тарзда қўллаб-қувватлаб борди ва бир қатор хайрли тадбирларни ташкиллаштиришда асосий ташкилотчи сифатида фаолият кўсатди. Хусусан, жамғама томонидан бир қатор ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда тузилган қўшма қарорлар асосида тўрт йўналишда "Футболимиз келажаги", "Маҳалламиз паҳлавонлари", "Соғлом оила" ва "Шахматшашка" спорт мусобақалари уюштирилди.

Айтиш жоизки, ўтган йилда янги қурилган спорт майдончалари сони 1351 тани, қайта таъмирланганлари 5363 тани ташкил этди. Шундан 687 таси маҳалла тасарруфига ўтказиб берилди. 7126 та маҳалла фуқаролар йиғинлари турли даражада спорт анжомлари билан таъминланди. Шунингдек, жамғарма республика бошқаруви тасарруфидаги "Маҳалла муруввати" масъулияти чекланган жамияти томонидан маҳаллаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида имтиёзли нархларда махсус спорт кийимлари тайёрлаб берилди. Йил якунига кўра шу мақсадда 470 та маҳалла фуқаролар йиғинларига жами 2117,9 минг сўмлик спорт кийимлари етказиб берилди.

Маълумки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда "Маҳалла" жамғармаси тизими кадрларини танлаш, уларнинг малакаларини доимий равишда ошириб бориш масаласи бугунги куннинг энг долзарб ва айни вақтда ўта муҳим масаласи. Йил якунига кўра республикамизда 9944 та ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият кўрсатаётгани маълум бўлди. Маҳаллалар штатидаги, шунингдек, республика, вилоят, туман (шаҳар) "Маҳалла" жамғармаси тизимида меҳнат қилаётганлар сони бугунги кунда 40 минг 600 нафардан ортиқ ходимни ташкил этади. Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси қошидаги "Маҳалла зиёси" ўқув-услубий маркази томонидан йил давомида ана шу ходимларнинг малакасини ошириш мақсадида 6 минг 649 та маҳалла оқсоқоллари учун 252 соатлик, 6 минг 389 та маҳалла хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари раислари учун 224 соатлик, 6 минг 85 нафар маҳалла посбонлари сардорлари учун 216 соатлик ўқув-семинарлари ташкил этилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига асосан маҳалла йиғинлари таркибига диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими киритилди. Унга кўра 2004 йил давомида Республикамиздаги маҳаллалар таркибидаги ушбу лавозимга 7457 та маслаҳатчи тайинланган. Уларнинг иш фаолиятларини тўғри ташкия қилиш ва шакллантиришда услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳам қатор амалий ишлар олиб борилди.

Ҳисобот даврида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида олиб борилган ислоҳотлар натижасида айнан маҳалла кенгашлари аъзолари бир қатор юксак давлат мукофотлари билан тақдирландилар. Ундан ташқари, бир қатор фуқаролар йиғинлари раислари халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига ўтказилган сайловларда депутат бўлиб сайланганликлари ҳам соҳа ривожига ўзига хос мадад бўлади, десак янглишмаган бўламиз.

Пленум ишида Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси нашри бўлган "Mahalla" газетаси фаолияти ҳам таҳлил қилинди.

Таҳририят томондан газетанинг асосий йўналишидан келиб чиққан ҳолда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг кўп қиррали фаолиятини ёритувчи ибратли, таҳлилий мақолалар газетанинг ҳар бир сонида бериб борилди. Тизим фаолиятига доир меъёрий ҳужжатлар, Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорлари билан биргаликда Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси республика бошқарувида ишлаб чиқилган дастурлар, танловлар ва спорт мусобақалари низомлари, уларнинг бориши ва натижалари, ғолиблари ҳақидаги маълумотлар тезкор равишда ёритиб борилди. Бундан ташқари айнан маҳалла, қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари, йиғин ходимлари, шунингдек, жамғарма тизими ходимлари ва мутасаддиларини ҳуқуқий муҳофазага олиш масаласи йил давомида тахририятнинг диққат марказида бўлди.

Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига ўтган сайловлар жараёни газета саҳифаларида талаб даражасида ёритилишига эришилди. Айниқса, сайловолди кампаниясида ташаббускор гуруҳлар томонидан қўйилган мустақил номзодлар учун газета катта минбар вазифасини ўтади. Газета барча мустақил номзодларнинг сурати ва таржимаи ҳолини эълон қилиб, бу борада мустақил номзодларнинг ўз нашри йўқлиги муаммосини ҳал этди. Бироқ айрим вилоятларда "Mahalla"га обуна кўрсаткичи ниҳоятда паст даражада. Хусусан, Сирдарё, Хоразм вилоятларида бу кўрсаткич ҳеч нарса билан изоҳлаб бўлмайдиган даражада қониқарсиз.

Энг асосийси, йиғилишда ўтган давр мобайнида эришилган ютуқлар ва ижобий натижалар билан бир қаторда йўл қўйилган баъзи камчиликлар хусусида ҳам очиқ-ойдин гапирилди. Хусусан, "Маҳалла" жамғармаси бўлим ва бўлинма раисларида ўз малакаси устида ишлаш, жамғарма фаолиятини такомиллаштириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимини ривожлантириш хусусида таклиф ва мулоҳазалар тақдим этилмайди. Бугунги кунда маҳалла фуқаролар йиғинларининг деярли 90 фоизи ўз мулкига эга эмас, мулк мавжудларининг аксариятида ҳам мулк йиғин номига расмийлаштирилмаган. Яна бир муҳим жиҳат — маҳаллаларда айланма маблағ мавжуд эмас. Бу эса уларнинг ўзини ўзи тўлиқ бошқара олиши, хусусан ҳукумат томонидан босқичма-босқич тарзда топширилаётган ваколатларнинг бажара олиш қобилияти кескин равишда сусайишига сабаб бўлмоқда.

Тадбирда "Сиҳат-саломатлик йили" дастури асосида ишлаб чиқилган "Маҳалла" жамғармаси республика бошқарувининг 2005 йилги иш режаси лойиҳалари билан пленум қатнашчилари таништирилди. Йиғилишда кадрлар масаласида гап борар экан, бунга тизим фаолиятида вилоят, туман ва шаҳар миқёсида жиддий эътибор берилмай келинаётганини таъкидланди.

Ҳисоблаб кўрсак, республика, вилоят, туман ва шаҳар миқёсида жамғарма бўлим, бўлинмалари биринчи раҳбарлари сони 216 тани ташкил этади. "Маҳалла" жамғармаси тизимида бу жуда катта куч, албатта. Бироқ шунга қарамасдан, айрим бўлим ва бўлинмалар раисларнинг ўз ишига маъсулиятсизлиги, лоқайдлиги туфайли фаолият самараси ўта суст. Жамғарманинг айрим бўлим ва бўлинмалари бошқарув раёсати пул маблағларини жамғарма низоми талабларига зид равишда сарфлаб юборганлар. Бунинг оқибатида ана шу баъзи "уддабурон"ларнинг айни пайтда ўзларининг аппарат ходимларига ойлик маошларини тўлаш учун ҳам маблағлари йўқ.

Пленумда сўзга чиққанлар мазкур мавзуларда ўз мулоҳазаларини билдиришди.

НУРОНИЙЛАР МЕҲРИ ОФТОБДИР

Инсон боласи ҳамиша меҳрга ташна. У меҳр-мурувватли, диёнатли оилада тарбия топса, ўзидан катталардан пурмаъно ҳикматларни эшитиб, яхши фазилатларидан ўрнак олиб борса, меҳр берган ва меҳр кўргазган кишисига меҳрибон бўлиб ўсиши, табиий. Бунинг учун боланинг камолотида меҳри дарё ота-она ва бобо-бувиларнинг ўрни муҳим.

Ўзбекистон Миллий университети профессори, филология фанлари доктори, навоийшунос олим, ўнлаб набираларнинг севимли ва меҳрибон бобожониси Ботирхон АКРАМОВ билан суҳбатимиз шу хусусда бўлди.

— Ўзбек халқи дейилганда бағрикенг, саховатли, олийҳиммат инсонлар тимсоли кўз олдимизда гавдаланади. Минг йиллар оша элимиз қалбида яшаб келаётган бу хислатлар бугун ҳам ўз қадрини сақлаб турибди, деб айта оламиз. Бу ўринда нуроний қарияларимизнинг ўрнини қандай баҳолайсиз?

— Мен "нуроний" деганда, биринчи галда зиёли фахрийларини назарда тутаман. Улар халқ таълими, соғлиқни сақлаш, олий таълим, академия, матбуот ва нашриёт, халқ хўжалиги, маданият ва бошқа соҳаларнинг табаррук, зукко-билимдони. Бу эса, уларнинг сўзида ҳам, кўзида ҳам, ўзида ҳам шундоққина акс этиб туради. Шунингдек, ўзини зиёли деб ҳисобламаган тенгқурларимиз, оғаларимиз, отахонларимиз борки, улар ҳаёт илмини, унинг яхши-ёмон, иссиқ-совуқ, паст-баландликларини биздан зиёд билса биладики, кам билмайди.

Эндиликда замон ўзгарди, тафаккур ва дунёқараш ўсди. Сохта-сароб тамойиллардан, қаллоб ғоявий ақидалардан қутулдик. Ўзимизнинг миллий ва мустақил йўлимизни танлаб олдик. Жамиятимизда ҳурфикрлилик ва мустақил, шахсий мулоҳаза эркинлиги қарор топиб боряпти. Шу аснода айтиш мумкинки, ҳукуматимиз олиб бораётган оқилона ва одилона сиёсатнинг диққат марказида халқ, унинг манфаати ва равнақи турибди. Бунда оилаларимиз устуни бўлган нуронийларимизга ҳам бўлган эътибор катта. Айтиш лозимки, давлат бошқарувидаги мана шундай умуминсоний, умуммиллий сиёсат нуронийларимизни халқ ичида, маҳалла-кўйда, жамоат орасида янада фаолроқ, дадилроқ бўлишга ундамоқда.

Шарқда, жумладан, Ўзбекистонимизда қадимдан кексаларнинг ҳар бир хонадонда, қариндошуруғлар даврасида, айниқса, ён қўшнилар, маҳалла-кўй доирасида иззат-эътибори, обрўйи, нуфузи, қадр-қиммати алоҳида ажралиб туради. Бундай эътиборли муносабат бежиз эмас, албатта. Уйда ё кўчада, қариндошлар даврасида, жамоат орасида ҳар бир ёши улуғ отахон ё онахон, аввало, ўзининг шахсий ибрати, ҳаётий тажрибаси, билимдонлиги-донишмандлиги, ширинсуханлиги, муомала одоби билан, сўнгра, турли муаммолар ечимида, баъзи зиддиятли, мураккаб ваъзиятларда ҳар доим одиллиги, андишалилиги, имкон қадар мулойим, оғир-босиқ муомаласи, жўяли ва фойдали маслаҳати, лозим бўлганда, мадади, меҳр-шафқати, беминнат саховати билан одамлар ҳурматини қозонади. Ва бундан ташқари ёши кичикроқ одам бажариши, қўлидан келиши мушкулроқ бўлган юмушлар (бу ерда гап қора меҳнат маъносида эмас, аксинча ақлий меҳнат, ҳаётий тажриба хусусида кетяпти) ана шу юксак заковатли қарияларимиз томонидан ҳеч қийинчиликсиз, кўп вақт сарфланмасдан бажарилади. Ана шу узоқни кўра билиши, донишмандлиги учун ҳам қарияларимизни пириларга менгзашади, деб ўйлайман.



— Бугунги кунда инсоннинг меҳрга бўлган эҳтиёжини ҳар қадамда сезяпмиз. Сиз мана шу ҳолни қандай изоҳлайсиз?

— Мумтоз адабиётимизни боқий идеаллар: ишқ-вафо, (Навоийда кўпинча меҳру вафо), саховат, ҳиммат каби умуминсоний қадриятлар, уларнинг бадиий тимсолисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бугун ҳаёт тақозоси билан тез-тез тилга олинаётган меҳр-мурувват, шафқат истилоҳлари ҳам буюк Навоий бадиий меросининг мўътабар ва мукаррам жиҳатларини ташкил этади. Чунончи, Навоий ҳазратлари айтадилар:

Жоҳу мол аҳлида йўқ меҳру вафо,
Бас, менга меҳру вафо мол ила жоҳ.

Бундан шундай хулоса чиқадики, биз бугун инсоний меҳрни, инсоннинг бир-бирига бўлган меҳрибонликларини, мурувватини, ҳимматини, саховатини ҳар қандай мол-давлатдан юқори қўйишимиз керак. Шундагина, киши айтган сўзига, ишига, амалига вафоли бўлади, унинг меҳри, ҳиммати, муруввати, саховати чинакам қадр топади. Шу жиҳатдан Навоий ҳазратларининг ҳар бир байти, қилган ишлари инсоний меҳрнинг энг юксак намунаси ҳисобланади. Фарзандларимизга ўрнак бўлиб қоладиган асосий хислатлардан бири бу — ўзаро меҳр-оқибат. Биз бу фазилатларни канда қилмасдан ҳар куни бажо қилиб борсак, ўйлайманки, бундай анъаналаримиз бойиса бойийдики, асло қадрсизланмайди.

Шунингдек, шарқ алломаларининг маънавий тарбия ва маърифий таълимга оид қарашларида кексаларни улуғлаш мавзуи юксак ўринда туради. Ҳатто уларнинг бу мавзудаги асарлари, жаҳон китобхонларини ҳайратга солган девон ва достонлари, рисола ва тазкиралари — солнома ва ёдномалар, нодир қўлёзма манбаларини бирма-бир кўздан ўтказиш, деярли қисқача шарҳлаш, талқин ва таҳлилини бериш эмас, фақат номма-ном тартибини қайд этишнинг ўзи бир неча жилд катологлар тизимини ташкил этади.

Ана шу маънавиятимизнинг дурдоналарини ўзлаштириб борсаккина, момо ва боболаримиз ҳақидаги пурмаъно ҳикматлар ва пандномаларни яна ҳам кўпроқ билиб олган бўламиз. Ва биз фахрийлар ҳам фарзандларимизга, набираларимизга ўрнак бўладиган яна кўпгина хислатларни, гўзалликларни олишга мушарраф бўламиз.

Алқисса, ғоятда бой тарихимиз, маънавиятимиз, бебаҳо меросимиз бор. Ибрат мисоллари бисёр. Мислсиз намуналарга боймиз.

Дилмурод СОДИҚОВ суҳбатлашди.

Акл чирови

Навоий вилояти

ЭРТАНГИ КУН ЗАМИНИ БУГУНДАН

Бешработ маҳалласи Навбаҳор тумани марказида жойлашган.

"Маҳалламизни ва хонадонимизни гулзорга ва боғ-роғларга айлантирамиз!" ташаббуси билан чиқиб, бу соҳада барча маҳалларга ибрат бўлаётган ушбу маҳаллага А.Қаҳҳор номли ўрта мактабнинг собиқ директори Норим ака Йўлдошев 2001 йилдан буён раислик қилиб келмоқда.

Бир-биридан муҳим муаммолар бисёр эди ўшанда. Ишсиз юрган ёшлар муаммосини ҳал этишни биринчи масала деб билди раис. Бекорчи ёшларни йиғиб, аввал уларнинг ўзлари билан, кейин ота-оналари билан суҳбатлар уюштирди.

Ёшларнинг қизиқишларига, иқтидорларига қараб айримларини турли касб-ҳунар коллежларига, айримларини эса маҳалла ҳамда туман ҳудудида янгидан ташкил этилаётган кичик корхоналарга ўқишга ва ишга жойлаштириш йўлларини излади.

Айрим ёшларнинг оилавий шароитларини ҳисобга олиб, улар туман меҳнат биржаси билан ҳамкорликда уста-шогирдлик қисқа курсларига юбориш йўлга қўйилди. Натижада ҳар йили 40-50 тача ёшлар ана шу тарика ўз фаолият йўлларини топиб олдилар.

Кейинчалик Норим аканинг саъй-ҳаракати ва уни қўллаб-қувватлаган туман ташкилот раҳбарлари ёрдами билан маҳалланинг Нурилла Бобоноров номли маҳалласидаги 56 хонадон ва Пахтакор маҳалласидаги 35 хонадон тоза ичимлик суви билан таъминланди. Янгидан барпо этилган "Янгиобод" гузаридаги 15 хонадонга табиий газ ва электр энергия етказиб берилди. Умар Пардаев кўчасидаги 2 км. лик йўл таъмирланди ва шунча узунликдаги йўлак қурилиб ишга туширилди.

2001 йилда 12-13 ёшли болалардан иборат Бешрабоз маҳалласи футбол жамоаси тузилиб, шундан бери ёшлар ўртасида ўтказиладиган маҳаллалараро "Футболимиз келажаги" спорт мусобақаларида сурункасига 4 йил давомида туманда 1-ўринни эгаллаб келган. Бу жамоа кейинги йилларда вилоятда ҳам ғолиб чиқиб, республика миқёсидаги мусобақаларда фаол қатнашиб, ҳамиша совринли ўринларни олиб келган.

Маҳаллада саховатпеша инсонлар кўп. Тадбиркор Баротжон Очилов ва "Истиқлол" фермер хўжалиги раҳбари Сабоҳатхон Раҳимоваларнинг маҳаллада спорт ишларини ривожлантириш, мусобақалар ташкиллаштириш ҳамда маҳалладаги ногирон ва эҳтиёжманд оилаларга моддий ёрдам бериш каби муруввати ишлари эл оғзига тушган.

Менглибой МУРОДОВ,
"Mahalla" мухбири.

Олам турфа

ИНСОН ФЕЪЛИ УНИНГ ЕМАГИГА БОҒЛИҚ

Кишиларнинг қайси овқатни хуш кўришига қараб нафақат унинг мижозини ёки характерини, балки сиёсий қараш-ларини ҳам билса бўларкан. Польшалик вилоятлар шуни ҳам ўрганиб чиқишибди.

Маълумки, бугунги кунда Польшада юздан ортиқ партия ва сиёсий оқимлар мавжуд. Сиёсатдонларнинг айтишларича, поляклар жиддий халқ, шахсий хаёти ҳақида гапиришни кўпам хуш кўришмайди. Бироқ тадқиқотчиларнинг уларнинг нима еб, нима ичишларини ҳар қалай таҳлил қилишга эришдилар. Аниқланишича, демократлар буғда пиширилган ва дудланган таомларни иштаҳа билан ейишаркан. Шунингдек, гуруч, макарон ҳамда зираворларни хуш кўришади. Христиан-демократларнинг улардан фарқи шундаки, хом ва қуюқ қайлани кўп истеъмол қилишади.

Кимки, картошка ва ун маҳсулотларидан (ёғда) тайёрланган овқатни яхши кўрса, билингки, ўша деҳқонлар партиясида (Польшада учта шундай партия бор) бўлади. Уларнинг столида кўпинча сузма ош ва чўчқа гўштли чучварани кўриш мумкин.

Хўш, либераллар нимаси билан ажралиб туради? Улар жуда енгил овқатланишади. Шунинг учун ҳам ошқозонни ёғли овқатлар билан тўлдириб юборишга тиш-тирноғи билан қарши.Мева, сабзавот ва соклар уларнинг жону дили.

Анархистлар (ҳар қандай давлат ҳокимияти ва сиёсий курашни инкор этувчилар) ва монархистларнинг (давлат тузимининг бирдан-бир усули ҳокими мутлоқлик дегувчилар) сиёсий қарашлари бир-бирига ўта зид бўлса-да, аммо овқатланишини кузатсак ҳеч бир айрича ери йўқ. Улар жисмонан бакувват юриш умидида ўткир зираворлар қўшилган гўшт ва балиқларни истеъмол қилишга ўзларида кучли иштиёқ сезишади. Овқатдан сўнг эса ширин, юқори калорияли торт вагумма ейишни ёқтиришади. Социал-демократларнинг таомномасини кўздан кечирсангиз, улар демократлардан деярли фарқ қилмайди. Лекин барибир социал-демократлар макарондан кўра картошкани кўпроқ истаъмол қилишаркан. Шунингдек, яхшилаб қовурилган таомларни ҳам.

Бизда коммунистлар қолмади ҳисоб. Бироқ Польшада ўз ғоясига содиқ қолганлар ҳам бор. Улар коммунистлар жуда озчиликни ташкил этишади. Аммо шундай бўлса-да, уларнинг нима ейишига барибир қизиқиш кучли. Маълум бўлишича, улар нима дуч келса ейишавераркан, айниқса энг арзон ҳисобланмиш ўсимликлардан тайёрланган озиқ-овқатларни.

* * *

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, нордон овқатни жон дилидан яхши кўрадиганлар ҳудбин бўлишаркан, ширинлик ва кондитер маҳсулотларни кўпам хуш кўрмайдиганлар романтик характердаги одамлар экан. Кимки, тузли тансиқ таомларга ўч бўлса, билингки, улар ижодий, меҳнатсевар ва фидокор кишилардир ва аксинча, бемаза овқатларни ўта хасис одамлар истеъмол қилишаркан.

М.ИСЛОМОВА тайёрлади.

Самарқанд вилояти

Тақдирланган оқсоқоллар

САРИБОШнинг САРА РАИСИ

Халқимизда инсон қадрини меҳнат оширади, деган нақл бор. Пастдарғом туманида жойлашган Қорабўйин маҳалласи фуқаролар йиғини раиси, ташаббускор аёл Гулнор Пўлатова фаолияти билан танишсангиз, ушбу нақлнинг нақадар тўғри топиб айтилганига амин бўласиз. У Мустақиллигимизнинг 13 йиллик байрами арафасида Президентимиз Фармони билан баракали меҳнатлари, юрт равнақига қўшган ҳиссаси учун "Шуҳрат" медали билан тақдирланди.

Маҳалла аҳли туман маданият бўлимида самарали меҳнат қилган, "Ибратли келинчак", "Энг ёш она", "Оммавий кутубхона — оила хизматида" кўрик-танловларида вилоят, ҳатто республика миқёсида фахрли ўринларни эгаллаб келган Гулнор Пўлатовага катта ишонч билдириб, уни Қорабўйин маҳалласига раис этиб сайлашганди.

— Гарчи аёл киши бўлса ҳам элнинг тўйу базмларида, тадбир ва маъракаларида ташкилотчилик қилади, — дейди Сарибош қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Рустам Сафаров. — Таъзия бўлаётган хонадонларга, албатта имкон қадар моддий кўмак беришга ҳаракат қилади. Шунингдек, турли спорт мусобақаларини ташкил этишда ҳам Гулнор Пўлатованинг хизматлари катта. Бу борада унга тадбиркор ва фермерлар, саховатпеша инсонлар яқиндан кўмак беришмоқда.

— Маҳалламизда 18 та фермер хўжаликлари ва битта ширкат хўжалиги фаолият юритади, — дейди Гулнорхон. — Айни пайтда уларда мингдан зиёд фуқароларимиз меҳнат қилишмоқда. Демак, шунча хонадонда тўкинлик ва фаровонлик яратиш учун имконият мавжуд. Қолаверса, ана шу хўжаликларнинг мурувватли фермер ва тадбиркорлари ҳайрли ишларда ташаббускор. Яқинда уларнинг кўмаги билан иккита қишлоқ ҳашар йўли билан газлаштирилди. Баҳриддин ака Нуримов 400 метрлик йўлга тош тўкдириб, ҳиммат кўрсатди. "Дилафруз" фермер хўжалиги раиси Шерали Булаков 600 метрлик масофани равонлаштирди. Элнинг корига яраган одамларнинг савоб ишлари унутилмайди. Марҳум Ўткир Ризоқулов ўтган йилда мактабга бориладиган йўлакни таъмирлаганди. Энди болалар хавфсиз йўлакчадан мактабга қатнамоқда. Ўткир ака қабристонга борадиган 500 метрлик йўлни ҳам тартибга келтирди.

Маҳаллада ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирлари ҳавас қилса арзигулик. Йўл атрофларида гулзорлар барпо қилинган, мевали ва манзарали ниҳоллар экилган.

Маҳаллада кам таъминланган оилалар ва эҳтиёжманд инсонларга эътибор кучайтирилди. Бундай инсонлар ҳар ойда моддий ёрдам пули билан таъминланади. Икки ёшгача фарзандлари бўлган 82 та оилага, 16 ёшгача фарзандлари бўлган 115 та хонадонга ўз вақтида нафақа пуллари етказиб борилаётир.

Ғайрат БОБОҚУЛОВ

Тошкент вилояти

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Бугунги кунда маҳаллаларда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, фуқаролар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғинлари ва ички ишлар идоралари ўртасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Хусусан, бу борада маҳалла таянч пунктларининг фаолияти диққатга сазовор. Шу маънода бугун "Mahalla" газетаси саҳифаларида бериб борилаётган маҳалла тизими фаолиятига оид муҳим янгиликлар, таҳлилий ва мулоҳазали мақолалар ички ишлар ходимларини ҳам бефарқ қолдирмаяпти. Айниқса, Тошкент вилояти ИИБ Ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бошқармаси жорий йил учун газетага 155 нусхада обуна бўлиб, кўпчиликка намуна кўрсатдилар. Айни пайтда вилоятдаги деярли ҳар бир маҳалла таянч пунктига газета тўлиқ етиб бораяпти.

СУРАТДА: Тошкент вилояти ИИБ Ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бошқармаси девонхона мудираси Муҳайё Бобоева газетанинг янги сони билан танишмоқда.

МАЪНАВИЯТ МАСКАНИ

"Китоб (битик) — барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-идроknинг, илму донишнинг асосидир, ҳаётни ўргатувчи мураббийдир", — деган эди буюк бобокалонимиз Амир Темур.

Шарқнинг буюк олиму фозиллари бутун ҳаётлари давомида китоб шайдоси бўлганлар, билим хазинаси бўлмиш кутубхоналар ташкил қилиб, уларда минглаб нодир китоблар ва қўлёзмалар сақлаб, мутолаа қилганлар.

Айни пайтда ҳам одамларнинг, айниқса ёшларнинг маънавий дунёсини бойитишда кутубхоналаримизнинг аҳамияти беқиёс. Шаҳримизнинг Қорасув даҳасида жойлашган Тошкент вилояти Педагогика коллежининг зиёбахш маскани ҳисобланган кутубхона ҳам ёшларнинг маънавий дунёқарашини ўзгартиришда, уларни истиқлол руҳида тарбиялашда муқаддас зиё маскани вазифасини ўтамоқда. Тажрибали педагог, ўз касбининг устаси Сарсенгул Кистабоева раҳбарлик қилаётган бу билим хазинаси қанчадан қанча илм фидойилари, турли касб эгалари, ўқитувчиларига сидқидилдан хизмат қилиб келмоқда. Китобхонларнинг сони жиҳатидан ҳам унча-мунча катта кутубхоналардан қолишмайдиган бу зиёбахш масканда 15 минг 300 дан ортиқ илмий, бадиий ва тарихий китоблар, дарсликлар жамланган. Кунига юзлаб ўқитувчи, ўқувчи ва ходимларнинг ўз устида мустақил ишлашлари, изланишлари ва ижод қилишлари учун кутубхонада ҳамма қулайликларга эга бўлган шинамгина ўқув хонаси мавжуд. Мурод Нозимов каби ширинсўз, тажрибали кутубхона хизматчилари ҳар бир ўқувчига китоб танлашда, керакли қўлланма, асарни, мақолани топишда ёрдам кўрсатмоқдалар. Кутубхона аъзолари китоб мутоалааси орқали қадриятларимиз, урф-одатларимиз, юрт тарихини ҳамда бой маданий ва илмий меросимизни чуқур ўрганиб бормоқдалар.

Булардан ташқари кутубхона ҳамда маънавият ва маърифат хоналарида ёзувчи ва шоирлар, олимлар, санъаткорлар, суд ва прокуратура, ички ишлар вазирлиги академияси ходимлари, тиббиёт ходимлари ҳамда ота-оналар, маҳалла фаоллари билан тез-тез учрашувлар, адабий ва савол-жавоб кечалари, мароқли суҳбатлар, мунозаралар, баҳслар, тарбиявий соатлар бўлиб туради. Кутубхона жойлашган Гулзор маҳалла фуқаролар йиғини раиси Боқи ака Исоев бошчилигида маҳалла фаоллари билан "Обод маҳалла — менинг маҳаллам", "Маҳаллам тинч — биз тинч", маҳалла онахонлари иштирокида "Оила муқаддас даргоҳ", "Қайнона — она", "Фарзандларимиз одоби" каби ўнлаб мазмунли ва фойдали тадбирлар ўтказилди.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

СУРАТДА: кутубхонада маърифий тадбир.

Кутубхонада...

ҚОЧОҚ БОЖА

Халқимизда "божа" деганда қандай яқинлик тушунчаси назарда тутилишини билмаган одам йўқ.

Абдураим божаси Мамараимни ўз туғишган ини-оғаларидан сира кам кўрмайди. Учрашганда дили яйраб кетади. Рўзғорда тансиқроқ овқат пишдими, унга илинади. Аслида бунга Мамарайимнинг одамгарчилиги, феъл-атвори сабаб. Бировга сира ёмонликни раво кўрмайди у. Одамларнинг кирди-кори, фисқи-фасоди билан асло иши йўқ. Суҳбати ширин. Билмагани йўқ ҳисоб. Хориж воқеаларидан савол бергудек бўлсангиз, дунёнинг у бурчагидан кириб, бошқа бурчагидан чиқади. Ҳатто ўзи ўқийдиган университетнинг мана-ман деган домлалари иккиланиб қолгудек бўлса ёки бир нарсага қоқилдими, дарҳол ҳамкасблари олдига югуришади, жўяли жавоб олишади.

Лекин ҳар тўкисда бир айб дегандек, домла қурғурнинг ичкилик деганда кўнгли анчайин юмшаб, мурвати бўшаб кетадиган одати бор. Тўғри, бировга заррача зиён етказмайди, оғзидан ёмон гап чиқмайди. Шундай бўлса ҳам ўқимишли, зиёли одамга ярашмайди-да.

Тунов куни Абдураим кенжасининг туғилган куни баҳона қариндош-уруғларга яхшигина базм берди. Дастурхонда мева-чева, пистаю бодомдан тортиб, тандир кабобгача бўлса ҳам, фотиҳа ўқиш олдидан бир ёғи ҳазил, иккинчи томони қуribгина кетгур "дори"нинг кайфи билан икки йилдан буён сўқимга боқилаётган бурама шохли ола бўрдоқи кўчқорнинг боши ҳам кесилди. Айниқса Мамарайим... Кўчқорнинг калласи дастурхонга тортилмагунча унинг суяги ўрнига тушмади. Набиралари ҳам, у доимо "Нина Захаровна" деб эркалайдиган хотини ҳам эртароқ жўнашди. Уларнинг "Юринг, бирга кетайлик, эртага иш куни ахир" деб зорланишларига парво ҳам қилмади. Бир ёғи дастурхонда турли-туман товланиб турган ичимликлардан кўнгил узолмади.

Абдурайим божасидан бир неча бор нега хотинини "Нина Захаровна" дейиши сабабини сўраганда "Бу тамоман махфий" деган жавобни олганди, холос. У ҳозир бу жумбоқни ечишнинг айни вақти деб ҳисоблади. Домла лўла болишга ён бошлаб мириқиб кулди, ва "қўймадингиз-қўймадингизда" дегандек ноилож сирни очди.

— Хотинларни биласиз-ку, — деди бироз норози оҳангда, — ҳамиша эрни эгиб олишга, хоҳ ҳақ, хоҳ ноҳақ бўлишсин ўзлариникини ўтказишга ҳаракат қилишади. Қайниопангиз ҳам ўшаларнинг бирй. Айниқса, турмуш қурган дастлабки йилларда "Бир қултум ҳам ичмайсиз, ҳидини унутасиз" деб роса хархаша қилиб, заҳарларини нинадек санчганлар, сиз ҳалимдек юмшоқ деб таърифлайдиган ана ўша опажонингиз. Ўшандан буён "Нина Захаровна" у кишининг номлари, энди билсангиз.

Божалар ёзилиб кулишди.

Мамарайим "охиргиси" дея яна бир румкани бўшатди-ю, йўлга отланди. Уни кўчага кузатгани чиққан Абдурайим қарасаки, божасининг аҳволи анчайин ночор. Оёқлар "восмёрка", кўчани энига қадамлайди. Яна бирор кори-ҳол рўй бермасин, деб велосипедини ҳайдаб секин божаси орқасидан кузатиб борди. Ярим тун бўлгани боис машиналар энда-сонда ўтаётганлиги ҳам иш берди, бўлмаса бирор касофат рўй бермайди, деб ким ҳам кафолат берарди.

Уйга етти қадам қолганда Мамарайим орқадан қандайдир шарпани эшитиб қолди.

— Ки-иим-сан, бу ёқ-қа ке-лл ма-ард бўлсанг. Ём-он ни-ят-да бў-л-лсанг, чал-пак қилиб таш-шш-лай-ман. Туғ-ил-ган-инга пу-шаймон бўла-сан.

Абдурайим қарасаки, божасининг важоҳати баланд. Ноилож унга яқинлашишга мажбур бўлди.

— Менман божа, шаштингиздан бироз тушинг, ёш бошим омон қолсин.

— Э-э Абду-рай-им-жон, ўрги-ла-либ кета-й, бо-о-жа. Қа-ер-дан ке-ла-яп-сиз, бемаҳал-да? Қа-ни ке-етд-иик, уй-га ки-ра-миз, бир от-а-амла-шай-лик. Кўришмаганимизга ҳам би-р йил-ар бў-л-ди-ёв.

— Энди вақт бемаҳал бўлди,божа . Уйга кириб дам олинг. Эрта-индин учрашиб гурунглашамиз.

— Й-ўқ, бу мум-кин эм-ас. Ан-ча вақт-дан бе-ри кўр-иш-май, тў-сат-дан уч-ра-шиб қолдик. Ки-риб, бир пиё-ла чой ичма-са-нгиз, хафа бўл-а-ман.

Божасидан қутулгунча Абдурайимнинг алҳами олти бўлди. Унинг "Ҳе... Қо-ч-қоқ, н-о-о-ма-рд" деб сўкинишини ҳам эшитмаганга олиб қочиб қолди...

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ

Ҳазил ёки чин?..

Андижон вилояти

ЖАМИЯТ ВА ЖАМОАТ ҲАМКОРЛИГИ

Жалақудуқ туманидаги боғча, мактаб, коллеж ва шифохоналарга қишнинг аёзли кунларида ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари узлуксиз равишда етказиб берилмоқда. Картошка, сабзи, пиёз ва олмалар янги узилгандек барра.

— Қиш даври учун 600 тоннадан зиёд қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари жамғарилган эди, — дейди туманда "Улгуржимевасабзавотсавдо" акциядорлик жамияти раиси Ҳамидулла Ғуломов. — Тошбоев номли маҳалла фуқаролар йиғини аҳолисининг беминнат ёрдами мазкур ишда катта мадад бўлди.

Жамият билан жамоа ўртасидаги мустаҳкам алоқа йиллар давомида шаклланган. Маҳаллада етиштириладиган энг сара маҳсулотлар учун жамият аввалдан аҳолига бўнак пули беради. Маҳсулотлар пишиб етила бошлагач, яшикларга жойлаштирилиб бўлгач тракторларда ташиб кетилади.

Қолаверса, маҳалла аҳли жамиятнинг мавсумий ишларида ҳам фаол иштирок этади. Олма, нок, шафтоли, олхўри, ўрик каби мевалардан табиий йўл билан қоқи олиш, мева шарбатларини тайёрлашда 20-30 киши ярим йил мобайнида банд бўладилар. Улар бу йил ҳам қиш учун ўн минг мева шарбатлари, яна шунча шакароб ва булғор қалампири қайласи тайёрладилар.

Бу ҳамкорлик ўзининг самарали натижаларини бермоқда: маҳаллада ишсизлик камаймоқда, аҳоли турмуши яхшиланмоқда, жамиятнинг эса иқтисодий аҳволи йил сайин мустаҳкамланиб бормоқда.

Узоқбой САКСОНБОЕВ

Бугун — Алишер Навоий таваллуд топган кун

Абдуқодир ҲАЙИТМЕТОВ

ҚИШ ТАЪРИФИДА

Алишер Навоий ўз шеърларидан бир эмас, бир неча девонлар тузган. Унинг "қиш" радифи билан ёзган ғазали анъанавий мавзуларда ёзилган шеърлардан тамомила фарқ қилади. Шоирлар одатда баҳор ҳақида кўп ёзишади. Ёз, куз тўғрисида ҳам шеърлар учраб туради. Аммо Навоийнинг "Қиш" ғазали мавзу эътибори билан ҳам, янги тасвирларга бойлиги, мазмуни, ҳаётийлиги билан ҳам ўқувчини ҳайратга солади.

Афтидан бу ғазал шоир умрининг ҳаётий тажриба ва мушоҳадаларга бой — ўрта ёшларида, кеча билан кексаликка қадам қўйган йилларида ёзилган бўлиб, сўнгги девони — "Хазойин-ул маоний"дан ўрин олган. Унинг ёзилишига эса, шеърнинг ўзидан кўринишича, қиш пайтида шоирнинг яқин дўстлари билан табиат қўйнида, аниқроғи, қаҳратон совуқда бирон қишлоқдаги оқ ўтовда суҳбат қилаётган вазият сабабчи бўлган. Бу қиш манзарасини яқиндан туриб кузатган шоир шеърда қоронғи кечани тасвирлаган. Ғазал қуйидаги матлаъ билан бошланган:

Септи тун мушкига сийми судадин кофур қиш.
Айш учун оқу қарони айлади масрур қиш.

Шоир атрофни, табиатни кузатар экан, қишдаги мушкдек тун қоронғулиги кўзига қор ёққани учун оппоқ кумуш кукунлари сепилгандек кўринибди. Бу билан у одамларни хурсанд этиш ниятида (табиатда мавжуд) оқ нарсаларга ҳам, қора нарсаларга ҳам хурсандчилик кайфиятини бағишлаган.

Гарчи Ҳиндистонда қор ўлмас, вале оқ рахтини —
Ёйди Ҳиндистон киби бу тунда номақдур қиш.

Бу байтда шоир кечани, кеча қоронғулигини Ҳиндистонга ўхшатиб, Ҳиндистонда гарчи қор бўлмаса ҳам, аммо Ҳиндистонча қилиғини қилди, — ўзининг оқ кийим ва асбоб-анжомларини сахий паҳлавондек ёйди, — дейди. Яъни шоир қор ёғиши билан боғлиқ бу иш одамзоднинг қўлидан келмайдиган, фақат табиат ўзи қила оладиган ишдир, демоқчи.

Гар эрур занг аҳли зулмоти, ва лекин қор ила
Қилди тун зангисини аҳли сафо-у нур иш

"Гарчи тун қора зангилар зулматини эслатса-да, бироқ қор ёққанидан кейин тун зангиларни пок, ранги тиниқ кишиларга айлантириб, уларга нур бағишлади!" — дейди шоир. Бу ерда у табиатнинг одамларни гўзаллаштиришдаги куч-қудратини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчи.

Боғда оқ уй ичра расм эрур, — қиш бўлғали:
Ҳақ юзин оқ айласунким, қўйди хуш дастур қиш.

"Қиш бошлангандан кейин оқ ўтовларда май ичиш расмдир. Оллоҳ қишнинг юзини оқ қилсинким, қиш ўзининг ёқимли дастури билан иш тутмоқда".

Базмни ўттин қизитди, базм аҳлин бодадин.
Саҳв эмишким, — бўлди совуқлиқ ила машҳур қиш.

"Қиш (дўстлар) базмини ўтдан қиздирган бўлса, базмда қатнашаётганларни май билан иситти". Демак, маълум бўладики, қиш ўзининг совуқлиги билан машҳур! — деган гаплар тўғри эмас экан.

Навоий ана шундай таъриф ва тавсифлар билан қишни тасвирлар экан, бундаги тасвирда бирон сунъийлик ёки такрорийлик кўзга ташланмайди. Маълум бир вақт ёки шароитда инсон қишда ҳам хурсандчилик билан вақт ўтказиши, яйраб яшаши мумкинлигини у ҳаққоний тасвирлаб берган.

Лекин шу билан бирга бу ғазалда қуйидаги байт бўлмаса шоирнинг буюк инсонпарварлиги, халқпарварлиги ўзининг мукаммаллигига эриша олмаган бўлур эди! — деб ўйлайман:

Уйи вайронларга қаттиғдур, вале бил муғтанам, —
Бўлса қулбанг май била асбобдин маъмур қиш.

"Қишда кимга қийин, уйи вайронларга қийин! Аммо яшаб турган қулбанг май ва унга тегишли нарсалар билан тўла бўлса, буни сен ғанимат тутиб қадрла!"

Чунки инсон ҳаётида яхши кунлар ҳам юз бериши мумкин, ёмон кунлар ҳам. Турмуш доим бир хил бўлиши мумкин эмас. Яхши кунда юпунликда яшаган кунни, ёмон кунда эса яхши кунни эслаб яшаш чин одамийликнинг белгисидир.

Хуллас, Навоийнинг "Қиш" радифли ғазали шеъриятнинг дурдоналаридан бири бўлиб, лирик шеъриятнинг адабиётимиз тарихидаги энг юксак бир намунасидир. Шу билан бирга бу шеър Навоийнинг шоирлик завқи умрининг сўнггида ҳам нақадар юқори, ҳаётий мушоҳада ва мулоҳазалари тиниқ бўлганини кўрсатади.

МАҲАЛЛАДА НАВОИЙХОНЛИК

Пойтахтнинг Собир Раҳимов туманидаги Алишер Навоий номи билан аталувчи маҳаллада шоир ҳаёти ва ижодий меросини ўрганишга катта аҳамият берилмоқда. Куни кеча бу ерда буюк бобокалонимиз таваллудининг 564 йиллигига бағишланган навоийхонлик кечаси бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Навоий ижодий меросининг ҳозирги кундаги аҳамияти, асарларининг ёш авлодни Ватанга садоқат, миллий анъаналар руҳида тарбиялашдаги беқиёс ўрни хусусида гапирдилар. Жумладан, Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов Навоий ижодий меросини ўрганиш бугунги куннинг долзарб вазифаси бўлиб қолаётгани хусусида сўзларкан, йиғилганларга мутаффаккир шоирнинг "Хазойин ул-маоний" (Чор девон) асари тўғрисида сўзлаб берди. Саҳнада Алишер Навоий сиймосини яратган санъаткорлардан бири, Ўзбекистон Халқ артисти Саидкомил Умаров шоирнинг ҳаёти, ижодини ўрганиш ҳар бир санъаткорга илҳом бағишлашини таъкидлаб, унинг ғазалларидан намуналар ўқиди. Маҳалла ҳудудидаги 46-мактаб ёш адабиётчилари "Навоий — буюк бобомиз" деб номланган саҳна кўринишини намойиш этдилар. Хонандалар ижросида Навоий ғазаллари билан айтиладиган ашулалар янгради.

Бахтиёр МАНСУРОВ

МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Бу ҳафтадаги давраларнинг тўри ва атрофдагилар эътибори сизга аталган. Ҳафтанинг сешанба кунини оила даврасида ўтказишни тавсия қиламиз.

СИГИР(22.04-20.05)
Иш жойингизда ўз салоҳиятингизни кўрсата билишингиз лавозимингиз кўтарилишига сабаб бўлиши мумкин.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Молиявий муаммолар ҳам кайфиятингизни буза олмайди. Сизнинг фаол ва тиришқоқлигингиз, яқинларингиз кўмаги бунга мутлақо йўл қўймади.

КИСКИЧБАҚА (22.06-22.07)
Ўйланган мақсадларга эришиш йўлидаги тўсиқларга бархам беришда кўнгилчанлик қилманг ва оила аъзоларингиз мададини рад этманг.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Бегоналар билан бўладиган ҳар қандай музокараларда яхши таассурот қолдира оласиз. Фақат ҳафтанинг шанба куни бундан мустасно.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Бу ҳафтада молиявий томондан тақдирланиш кутилмоқда. Аммо ҳафтанинг иккинчи ярмидаги совға-саломларни олмаганингиз маъқул.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Ижодий ҳамда руҳан юксалиш ўз салоҳиятингизга боғлиқ. Бундай ютуқлар учун юлдузлар айнан шу ҳафтани танлаган.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Ҳафтадаги ютуқларингиз ўз иродангизга боғлиқ. Кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган юмушларингизни шанба куни амалга оширмаганингиз маъқул.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Ушбу ҳафта ғоя ва иш режаларингизни тадбиқ этиш учун қулайдир. Янги танишувлар ишбилармонлигингизда қўл келади.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Ҳаракатларингизда чекланиш ва тўсиқлар йўқ. Чунки сиз учун иложсиз нарсанинг ўзи йўқ. Лекин молиявий муаммоларда эҳтиёт бўлинг.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Узоқ сафар ва хорижликлар билан мулоқот омадли кечади. Айниқса, сафардаги романтик танишув сиз учун муҳим бўлиши мумкин.

БАЛИК (19.02-20.03)
Тадбирларга бой ушбу ҳафтада ўткир ичимликлардан эҳтиёт бўлинг. Энг асосийси, режаларингизни сир сақланг.

Наманган вилояти

Тўрақўрғон туманидаги Яндама маҳалласида яшовчи ака-ука Отамирза бобо, Иловиддин бобо, Камол бобо Боймирзаевлар ўзларига бу омонат дунёда қарилик гаштини биргаликда суриш насиб этгани учун минг шукроналар айтиб яшамоқдалар. Улар боғдаги юмушларни биргаликда бажара туриб, "Бу дарахтларнинг мевасидан ҳам биргаликда баҳраманд бўлайлик", дея ният қиладилар.

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

ОМОНАТ ДУНЁ

Туманнинг бир чеккасида жойлашган маҳаллаларнинг бирида бўлиб ўтган жанозадан қайтар эканман, менга кексароқ бир киши ҳамроҳ бўлди. Тўғрироғи, у марказгача машинамда олиб кетишимни илтимос қилди. Йўлда кетар эканмиз, у марҳумни қанақа танишлигимни сўраб қолди. Мен давлат хизматида ишлаб юрган пайтларимда қабулимга турли ишлар билан бир неча марта келганлигини айтдим.

— Шикоят билан ҳам борганми? — деб сўради у.

— Эсимда йўқ, — дедим.

У эса мен билан иши йўқдай ўзи билан ўзи гапириб борарди.

— Эсонқул ака (марҳумнинг исми шундай — Ҳ.Н) қўшниси Мавлон тажанг билан бир умр ер талашиб ўтди. Бунга сабаб, ҳар иккаласининг оталари болаликдан дўст бўлган, шунинг учун ҳам уй солганларида ёнма-ён жойга қуришган. Эсонқул ака отадан ёлғиз. Мавлон тажанг уч ака-ука. Кетма-кет икки келин олгандан кейин Мавлон тажангнинг отаси ён қўшни — дўстидан 6 сотих жой сўрайди. Битта ўғлимга қолгани ҳам етади, деган ўйда Эсонқул аканинг отаси этак томондан ер ажратиб беради. Орадан йиллар ўтиб, оталар оламдан ўтади. Эсонқул ака ёлғиз бўлса ҳам ўзидан кўпайиб, кетма-кет икки келин олади. Шундай кунларнинг бирида Мавлон тажангнинг сигирлари бўшалиб кетиб, Эсонқул аканинг гуллаб турган памидорларини пайҳон қилиб ташлайди. Орадан оқибат кўчади, меҳр синади. Жанжал, ҳақоратлаш... Хуллас икки қўшни юз кўришмас бўлиб, бири борган жойга иккинчиси ўтирмайдиган бўлади. Ерни қайтарасан, деб бу шикоят қилади, бермайман деб, униси майдонга отилади. На тўй, на аза бу икки инсонни бир-бирига яқинлаштира олмади. Қанча маҳалла оқсоқоллари ўртага тушди, қанча қариялар насиҳат қилишди, натижа бўлмади. Мавлон тажанг узоқ йиллар оғир касал бўлиб ётди. Ҳамма келиб кўрди, Эсонқул ака кўрмади. Энг ачинарлиси, жанозасига ҳам чиқмади. Одамлар Эсонқул аканинг бу ишини қоралашди. Мусулмончиликда бундай номаъқулчилик йўқ дейишди. Орадан уч йил ўтгач Эсонқул ака ҳам ётиб қолди. Менга у она томондан яқин бўлади, бир неча марта кўргани келдим. Мени кўриб нуқул "Мавлонни хафа қилганим учун худо мени жазолади, қара икки оёғим ҳам ишламай қолди", деб йиғларди. Ўлимидан бир ҳафта илгари ҳам келдим. Анча ўзини олдириб қўйибди. Ёнига ўтиришим билан ўзига чорлади. Сал энкайиб, қулоғимни тутдим.

— Мени Мавлоннинг ёнига қўйинглар. Жиян, болаларни ўзинг йўлга сол, — деб кўзини юмди. Унинг киприкларида бир томчи ёш қотиб қолгандек турарди.

Бугун эрталаб жанозасига етиб келган заҳоти бу васиятни болаларига айтим. Аввал кўнишмади, сўнг ота васияти вожиб, деганимдан кейин гўрковларга тайинлашди. Хозиргина сиз билан бирга марҳумни кўмган қабр ёнидагиси Мавлон тажангнинг қабри. Илоё чин дунёда иккаласининг тотувлигини берсин.

Ҳамроҳим менинг ҳам ҳайратда, ҳам жимгина эшитганимга парво қилмай "ажаб дунё экан-да, ажаб дунё", деб пичирлаб келарди.

Марказга етиб келгач, у машинадан тушиб, мен билан хайрлашди. Шартта машинадан тушиб уни бағримга босдим, у эса ҳайрон, лекин меҳрни сезди шекилли, мени даст кўтариб "бир-биримизга омонатмиз, сизни излаб ишхонангизга бораман", — деди.

Енгил тортдим. Кўз олдимдан эса қабристондаги ёнма-ён турган икки қабр кетмади...

Ҳамид НОРҚУЛОВ

Иримларга ишониб бўладими?

КИЙИК ТИШИНИНГ "ХОСИЯТИ"

...Тошкентга бораётиб йўл-йўлакай Бухоро вилояти ҳудудидаги ошхоналарнинг бирида тушлик қилишга тўғри келди. Овқатланиб бўлиб, энди автобусга чиқаётганимизда бир киши сумкасидан уч-тўртта оқимтир нарса олиб деди:

— Бу кийикнинг тиши. Кимда ким буни ўзи билан олиб юрса ёки кийимининг ички томонига қадаб қўйса ҳеч қачон дард кўрмайди, иши ўнгидан келади. Мардга зор, номардга хор бўлмайди, топган-тутгани тўйларига буюради, сафари бехатар бўлади.

Узоқ йўлга отланган йўловчиларга айниқса, охирги башорат ёқиб тушди, шекилли, харид қилувчилар кўпайди. Мен ҳам биттасини сотиб олиб, рўмолчамнинг бир четига тугиб қўйдим. Тошкенга етиб келиб, меҳмонхонага жойлашгач, режадаги ишларни амалга оширишга киришиб кетдим. Энг аввал кўпдан ният қилиб юрганимиз—"Дамас" машинасини сотиб олдим. Кейин бошқа нарсалар ҳам маҳталсиз арзон-гаровга топила қолди. Тошкентда яшайдиган қариндошларникига яп-янги машинада борганимни кўриб, улар ҳам қувонишди. "Ҳаммаси кийик тишини ирим қилиб сотиб олганимдан. Олганим яхши бўлибди. Шу минг сўм қаерда қолмайди?"деб қўяман ўз-ўзимга. Ишларни битказиб, Хоразмга қайтишим арафасида фалокат юз берди — менинг "Дамас"имни рўпарадан келаётган машина уриб юборди. Уни бошқариб келаётган ҳайдовчиси маст эканлигини айтишди. Уни ички ишлар бўлимига, мени эса касалхонага олиб кетишди. Бир ойча касалхонада ётдим. "Дамас"ни таъмирлаб, яна Тошкентнинг ўзида ўз баҳосидан арзон нархга сотиб юбордик. Ичидаги нарсаларни ҳам ўша воқеа содир бўлган пайти кимлардир олибди. Асли насиб қилмаса шунақа бўлар экан.

...Бир ҳамсафаримнинг бошидан ўтган шу воқеани бир пиёла чой устида дўстларга сўзлаб берган эдим. Ошхонадан чиққанимизда зинапоядаги қотган музга тойиниб, чунонам йиқилдимки, қўлимдаги портфел учиб кетди. Шерикларимдан бири қўлтиғимдан тутиб, ўрнимдан турғизаётиб ҳазил аралаш деди: "Сиз ҳам ўша кийик тишидан сотиб олган кўринасиз?" ..Оғриқни унутиб, беихтиёр жилмайдим.

Абдулла САФОЕВ

ТАБРИК

Бухоро вилояти Оқсоқоллар Кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими жамғарманинг Бухоро шаҳар бўлинмаси раиси Раби Фозиловни қутлуғ 80 ёшга тўлиши муносабати билан самимий табриклайди.

ЖЎНАСАММИ, ЖЎНАМАСАМ...

(Танноз келин хиргойиси)

Бошимдаги бу рўмолни ўрасамми, ўрамасам,
Эримдан ҳам яна пул деб, сўрасамми, сўрамасам?!
Овқат пайти бўлаяпти, кўзгу менинг жони-дилим —
Либоҳимни алмаштирмай, қарасамми, қарамасам?!
Ошхонага тобим тортмас, пиёз тўғраш азоби-жон,
Овқатга ҳам кеч бўлди-ку, уннасамми, уннамасам?!
Қайнонам ҳам ўгит берар: "ундоқ қилинг, бундоқ қилинг"
Айтган гап-у насиҳатин, санасамми, санамасам?!
У кун уйда жанжал бўлди, эримнинг ҳам таъби хира,
Бугун кеча бу уймда тунасамми, тунамасам?!
Ҳафта кетсам, қадрим билар супургидан кўнглим безор,
Уларни бир шу аҳволда, синасамми, синамасам?!
Оқшом яна ғалва бўлди, эрим тугди лаш-лушимни,
Айтинг, келган жойимга ҳам, жўнасамми, жўнамасам?!

Пардабой ҚУЛАТОВ.
Сурхондарё вилояти.

ЭЪЛОНЛАР

"Gaybulla-Hoji" хусусий фирмаси ўз устав фондини 12286050 сўмдан 3500000 сўмга камайтиради.

Утерянный патент 0600951 выданный на имя Шин Константин Романовича считать не действительным.

Тошкент Давлат университети томонидан 1986 йилда Усмонова Наргиза Анваровна номига берилган НВ 940246 рақамли (19856) Диплом йўқолгани сабабли бекор ҳисобланади.

Тошкент Кимё технологияси институти томонидан 1994 йил да Тошпўлатова Доно Абдулазизовна номига берилган 021527 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Т.А.Т.У. томонидан С.Мовлонов номига 2001 йилда берилган 11001-рақамли Рейтинг дафтарчаси йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Утерянный диплом Т 018270 выданный Ташкентским Медицинским училищем им.Боровского в 2003 году на имя Платоновой Лилии Вячеславовны считать недействительным.

Ч.П. "Halol-SHOMANSUROTA" зарегестрированный С.Рахимовском р-не г.Ташкента реорганизуется на ООО. Претензии принимаются в течении 2-х месяцев по тел: 398-28-21

Mahalla

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:

Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Нигматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Расул РАҲМОНОВ, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Таъноберди ҚУРБОНОВ, Абдулқодир ҲАЙИТМЕТОВ.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

9388 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-123 Топширилди — 21.00
1 2 3 4 5